



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ УЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА

Шоҳбоз Ибодуллаев,

*PhD, Taashqi iqtisodiy faoliyat Milliy banki, Xodimlar bilan ishlaish departamenti,
Kompensatsiya va imtiyozlar bo'sqarmasi, Moddiy t'ulovlar b'ulimi etakchi mutaxassisi.*

Toshkent, Ўзбекистон Email: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3885-711X

INCREASING THE CAPITALIZATION LEVEL OF COMMERCIAL BANKS AS A NECESSARY CONDITION FOR ENSURING THEIR COMPETITIVENESS

Shokhboz Ibodullaev,

*PhD, Leading specialist of the National Bank of Foreign Economic Activity, HR Department,
Compensation and Benefits Department, Material Payments Department. Tashkent, Uzbekistan*

Email: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3885-711X

JEL Classification: E5,E58

Аннотация. Тижорат банклари регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим мезони ҳисобланади. Мазкур мезоннинг амалий аҳамияти 2008 йилнинг тўртинчи чорагида юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида яққол намоён бўлди. Бунинг боиси шундаки, пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи юқори бўлган тижорат банкларининг глобал инқирозга чидамлик даражаси юқори бўлди. Хусусан, Швейцария банклари регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи юқори бўлганлиги учун Европадаги бошқа давлатларнинг банкларига қараганда ликвидлик рискига камроқ дучор бўлишди.

Республикамизда тижорат банкларининг устав капитални фақат миллий вадютада шакллантириш талабининг жорий этилганлиги уларнинг капитал базаси барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Чунки, миллий валютанинг қадрсизланиши даражаси юқори бўлган шароитда устав

капиталида хорижий валютада маблағлар бўлган банкларнинг регулятив капитал таркибида девальвация захирасининг улуши ошиб борди.

Шунга қарамасдан республикамиз банкларида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар, жумладан, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги, эмиссион даромаднинг биринчи даражаси.

Abstract. The weight of the regulatory capital of commercial banks in the volume of liabilities is an important criterion for ensuring their solvency. The practical importance of this criterion was clearly demonstrated during the world financial and economic crisis that occurred in the fourth quarter of 2008. This is due to the fact that commercial banks with a high weight of regulatory capital in the total size of their liabilities have a high level of resistance to the global crisis. In particular, Swiss banks were less exposed to liquidity risk than banks



in other European countries due to the high weight of regulatory capital in the volume of liabilities.

In our republic, the introduction of the requirement to form the authorized capital of commercial banks only in the national form played an important role in ensuring the stability of their capital base. Because the share of the devaluation reserve in the regulatory capital of the banks with foreign currency funds in the authorized capital increased.

Despite this, the actual problems related to increasing the level of capitalization of commercial banks in the banks of our republic, including the failure to ensure the proportionality between the growth rate of regulatory capital and the growth rate of assets at risk, the first level of emission income.

Калим сўзлар: *тижорат банки, регулятив капитал, биринчи даражали капитал, эмиссион даромад, захира капиталли, устав капиталли, пассив.*

Key words: *commercial bank, regulatory capital, first-tier capital, emission income, reserve capital, authorized capital, passive.*

Кириш. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс

трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилдишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Материал ва метод. Базель кўмитасининг тижорат банклари капиталининг етарлилиги бўйича таклиф этган услубиёти капиталнинг етарлигини аниқ баҳолаш имконини беради. Чунки, мазкур услубиётда капиталнинг етарлилиги банк активларининг риска тортилган суммасига нисбатан аниқланган [2]. Бундай шароитда капиталнинг етарлигига унинг брутто активларга нисбатан даражасига қараб баҳо бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Ж. Хекманнинг кросс-секциявий селектив моделида тижорат банклари капиталидаги “тешиklar”ни ҳосил бўлиши банк операцияларининг муддатли таркибидаги мувозанатнинг бузилиши натижаси эканлиги асослаб берилган. Ушбу модель маълум бир кўрсаткичнинг даражасини аниқловчи стандарт регрессион моделлардан, масалан, чизикли моделлардан фарқ қилади. Масалан, селектив моделлар ўрганилаётган объектни тўлиқсиз танловга (sample selection bias) киритиш имконини сақлаб қолади. Бунда моделда иқтисодий агентларнинг икки гуруҳи – уй хўжаликлари ва компаниялар кўриб чиқилган бўлиб, ҳар бир гуруҳ учун

нормуванатлиликнинг қуйидаги уч тури кўзда тутилган:

- 1 йилгача муддатдаги операциялар бўйича номуванатлилик;
- 1 йилдан 3 йилгача муддатдаги операциялар бўйича номуванатлилик;
- 3 йилдан ортиқ муддатдаги операциялар бўйича номуванатлилик [3].

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкига биринчи даражали капиталнинг етарлилиги бўйича бериладиган энг юқори рейтинг баҳо биринчи даражали капиталнинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси 5 фоиздан анча юқори бўлганда, жами капиталнинг етарлилиги бўйича энг юқори баҳо жами капиталнинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбати сезиларли даражада юқори бўлганда берилади [4].

О. Оношко ва Н. Ахмедованинг фикрига кўра, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг ички (фойдани жамғариш, дивиденд сиёсати, фондларни қайта баҳолаш) ва ташқи манбалари (акцияларни муомалага чиқариш, капитал қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш) ўртасидаги нисбат кўп жиҳатдан банкнинг ўлчамига ва стратегиясига боғлиқ бўлиб, йирик банклар миллий ва халқаро молия бозорларида қимматли қоғозларини жойлаштириш орқали фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш имкониятларига эга. Кичик банкларда эса, бундай имкониятлар чекланган [5].

Мазкур хулоса республикамиз тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тижорат банкларининг ташқи манбалар ҳисобидан капиталлашиш даражасини ошириш имконияти чекланган;

иккинчидан, соф фойданинг активларга нисбатан даражаси паст бўлганлиги сабабли фойдани жамғариш ҳисобидан капиталлашиш даражасини ошириш эҳтимоли нисбатан паст. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон банклари соф фойдасининг брутто активларга нисбатан даражаси атиги 2,5 фоизни ташкил этди [6].

В.Усоскиннинг фикрига кўра, тижорат банкини ҳаддан зиёд капиталлашиб кетиши, ўз маблағларига бўлган эҳтиёжга нисбатан ортиқча акцияларни муомалага чиқариш тижорат банкнинг молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Чунки, капитал молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади, ундан кўра омонатчиларнинг маблағларини жалб қилиш арзон ва қулай ҳисобланади [7].

В.Усоскиннинг ушбу фикри Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон банклари пасивларининг умумий ҳажмида капитал нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 14,3 фоизни ташкил этди [8].

Ўз навбатида, республикамиз тижорат банкларида капиталнинг пасивлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Р. Беннет ва Ҳ. Уна томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотда тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда капиталнинг брутто активларга нисбати, капиталнинг

рентабеллиги (ROE), активларнинг динамикасидан фойдаланилган [9].

У. Шарп, А. Гордон ва Ж. Бэйлининг хулосасига кўра, акциялар бўйича даромад ставкаси жорий инфляция даражасидан юқори бўлиши керак. Чунки, инфляция таъсирида акциялардан олинган даромадларнинг реал қиймати пасаяди. Аммо, амалиётда акцияларнинг даромадлиги билан инфляция даражаси ўртасида сезиларли даражадаги алоқадорлик кузатилмайди, биз таҳлил қилган даврда (1962-1993 йй.) улар ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,02 ни ташкил этди. Демак, акциялар инфляциядан ҳимояланишнинг яхши воситаси ҳисобланмайди [10].

О.Саттаров тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланадиган меъёрий талабларни ва ликвидлилик бўйича меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштиришни Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этган [11].

А.Омоновнинг таклифига кўра, "тижорат банклари узок муддатга мўлжалланган субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариши зарур. Уларнинг сўндириш муддатини камида 10-15 йил қилиб белгилаб, фоиз ставкалари ҳам нисбатан паст даражада бўлиши лозим. Субординар қимматли қоғозларнинг 80-90 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сотиб олиши мақсадга мувофиқ. Бунда шакллантирилаётган маблағлар тижорат банкларининг кўшимча капиталини оширишга йуналтирилиши лозим. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши республикамизда монетизация

коэффициентини ошириш ва банкларга нисбатан арзон манбалар ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириш имкониятини беради" [12].

А.Омоновнинг ушбу таклифи республикамиз тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, узок муддатли субординар қимматли қоғозларни Марказий банк томонидан банклар ўтказган мажбурий захира ажратмалари ҳисобидан сотиб олиниши уларни кафолатланган тарзда жойлаштириш ҳисобланади; иккинчидан, ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида тижорат банкларининг иккинчи даражали капитали миқдори кўпаяди.

Натижалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида" Низомга кўра:

– регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат;

– I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди;

– номоддий активлар ва сотиб олинган банк акциялари сўммасига I даражали капитал миқдори камаяди;

– I даражали капитал I даражали асосий капитал ва I даражали кўшимча капитални ўз ичига олади;

– I даражали асосий капитал банк регулятив капиталнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги зарур [13].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдори ва пасивлар ҳажмидаги салмоғи¹

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм | 4 806 | 5 722 | 13 141 | 13 873 | 14 768 | 16 377 |
| Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, % | 9,3 | 10,1 | 19,7 | 17,4 | 16,4 | 13,7 |

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдори 2017-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг капиталлашиш даражасини узлуксиз ошаётганлигини кўрсатади ва унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банки регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу пасайиш мазкур даврда хориждан жалб қилинган кредитларнинг Миллий банкнинг пасивлари ҳажмидаги салмоғини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Пассивлар ҳажмида хориждан жалб қилинган кредитлар салмоғининг юқори бўлиши тижорат банкининг капиталлашиш даражасига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, халқаро кредитлар нисбатан қиммат ресурс

бўлганлиги сабабли улар миқдорининг кўпайиши соф фоизли маржа даражасини пасайишига олиб келади; иккинчидан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлган шароитда халқаро кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг кўпайиш эҳтимоли ошади. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигига ва акцияларининг инвестицион жозибадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, республикамизда узоқ йиллар мобайнида миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш жараёни кузатилди. Айниқса, 2000 йилда ва 2017 йилда миллий валюта – сўмнинг қадрсизланиш суръати жуда юқори бўлди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликка баҳо берамиз (2-жадвал).

¹ Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 молиявий йилларнинг якунлари бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капитал ва активларнинг рискка тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари² фоизда

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Регулятив капиталнинг ўсиш суръати | 250,7 | 119,1 | 229,6 | 105,6 | 106,5 | 110,9 |
| Активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати | 259,7 | 118,5 | 128,3 | 130,3 | 118,7 | 116,9 |

2-жадвалда келтирилган маълумотлар яққол кўрсатадики, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Масалан, 2017, 2020, 2021 ва 2022 йилларда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса, Миллий банк

капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг регулятив капиталининг етарлилиги, Базель стандарти бўйича, банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан аниқланади. Банк назорати бўйича бошқа стандартларда банклар капиталининг етарлилиги активларни рискка тортилган суммасига нисбатан аниқланмайди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат "Асакабанк"да регулятив капиталнинг миқдори ва пасивлар ҳажмидаги салмоғи³

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм | 3 083 | 3 168 | 6 127 | 6 425 | 6 504 | 6 518 |
| Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, % | 12,7 | 10,4 | 17,7 | 14,1 | 12,8 | 12,7 |

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриш мумкинки, Асакабанкда регулятив капиталнинг миқдори 2017-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2022

йилларда регулятив капиталнинг Асакабанк пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу пасайиш хориждан жалб қилинган кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ошиши ҳисобига юз берган.

² Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 молиявий йилларнинг яқунлари бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

³ Жадвал муаллиф томонидан Асакабанкнинг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021 молиявий йилларнинг яқунлари бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

Регулятив капиталнинг банк пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиши тижорат банкининг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Мунозара. Регулятив капиталнинг ўсиш суръатини рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши тижорат банкининг тўловга қобиллигини хавф остига қўяди. Чунки, ушбу ҳолат маълум вақт ўтгандан сўнг Марказий банк томонидан тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан ўрнатилган пруденциал талабнинг бажарилмаслигига олиб келади. Ўз навбатида, ушбу пруденциал талабни бажарилмаслиги тижорат банкини катта миқдордаги жаримага тортиш учун асос бўлади. Бунинг сабаби шундаки, банк ёки банклар гуруҳи капитали монандлиги коэффицентининг олти ойдан кўпроқ муддат давомида Марказий банк томонидан белгиланган йўл қўйилмайдиган энг кам миқдордан саксон фоизгача ва ундан камроқ фоизгача пасайганлиги қўпол қоидабузарлик ҳисобланади ва бунинг учун тижорат банкдан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадларнинг икки баравари миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг беш фоизи ёки банк жами капиталининг бир фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундирилади [14].

Базель кўмитасининг банк назорати бўйича янги Базель-III стандарти талабларининг талаблари жорий этилгандан сўнг тижорат банклари тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтиришга, иш ўринларини


қисқартиришга, айрим активларини сотишга мажбур бўлишди. Бу эса, уларнинг инвестицион жозибadorлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди. Бироқ, Базель-III стандарти талабларининг халқаро банк амалиётида тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизимига жорий этилиши фойда ҳисобидан шакллантириладиган захиралар миқдорининг ошишига олиб келди. Бу эса, тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасининг пасайишига ва тўланадиган дивидендлар миқдорининг камайишига олиб келди. Бунинг натижасида соф фойда миқдорининг камайиши тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлигини пасайишига сабаб бўлди. Бироқ, фойда ҳисобидан шакллантирилган захиралар миқдорининг кўпайиши тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошишига олиб келди. Ўз навбатида, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошиши уларнинг тўловга қобиллигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг даражасини ошишига олиб келди ва актив операциялар ҳажмини ошириш бўйича қўшимча имкониятни юзага келтирди (тижорат банкларининг актив операцияларига нисбатан назорат органлари томонидан ўрнатилган меъерий талабларнинг мутлақ асосий қисми банкларнинг биринчи даражали капиталига нисбатан ўрнатилган).

Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш уларнинг бозор баҳоларини ошишига олиб келади. Ўз навбатида, банк акцияларининг бозор баҳоларини ошиши қўшилган капиталнинг ошиши ҳисобига биринчи даражали капитал миқдорини ошириш имконини беради. Бу эса, тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бироқ, ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлигини таъминланмаган. Бу

эса, қўшилган капиталнинг тижорат банклари регулятив капиталининг

ҳажмидаги салмоғи ни жуда кичиклигида яққол намоён бўлади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида қўшилган капиталнинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи, фоизда⁴

1-расмда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадики, 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг умумий ҳажмида қўшилган капитал жуда кичик салмоқни эгаллаган. Бу эса, улар акцияларининг инвестицион жозибдорлигини таъминланмаганлигини кўрсатади.

Хулоса. Тадқиқот жараёнида тижорат банкларининг капиталлашиш даражаси бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат кўп жиҳатдан банкнинг ўлчамига ва стратегиясига боғлиқ бўлиб, йирик банклар миллий ва халқаро молия бозорларида қimmatли қоғозларини жойлаштириш орқали фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш имкониятларига эга. Кичик банкларда эса, бундай имкониятлар чекланган.

2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида капиталнинг пасивлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши банкларнинг қimmatли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

3. ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдорини 2017-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги банкнинг капиталлашиш даражасини узлуксиз ошаётганлигини кўрсатади ва унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

4. ТИФ Миллий банки регулятив капиталининг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу пасайиш мазкур даврда хориждан жалб қилинган кредитларнинг Миллий банкнинг пасивлари ҳажмидаги салмоғини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

⁴ Тижорат банклари жамланма баланси//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

5. ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган.

6. Асакабанкда регулятив капиталнинг миқдори 2017-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2019-2022 йилларда регулятив капиталнинг Асакабанк пассивларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш орқали эмиссион даромаднинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш зарур.

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамиз тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлиги таъминланмаган.

Ўз навбатида, республикамизда миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини ва инфляция даражасини нисбатан юқори эканлиги миллий валютада эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилади. Бунинг сабаби шундаки, девальвация ва инфляция таъсирида сўмда ёзилган қимматли қоғозларга миллий валютада қилинган инвестицияларнинг реал қиймати кескин пасайиб кетади. Бунинг натижасида инвестор ҳам олиниши лозим бўлган

даромадини йўқотади, ҳам пул маблағларининг қийматини маълум қисмидан айрилиб қолади.

Шунингдек, республикамиз тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасининг нисбатан паст эканлиги улар томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, тижорат банклари оддий акцияларининг инвестицион жозибadorлигини белгиловчи асосий омил бўлиб, банкларнинг соф фойдасининг миқдори ҳисобланади. Чунки, оддий акцияларга дивидендларнинг асосий қисми жорий даврнинг соф фойдаси ҳисобидан тўланади. Республикамиз тижорат банкларида эса, соф фойданинг брутто активларга нисбатан даражаси нисбатан жуда кичик. Бу эса, аввало, соф фойданинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасида мутаносибликни мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

2. Тижорат банклари регулятив капиталининг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши билан регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш орқали даромад келтирадиган рисксиз активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим.

Айниқса, тижорат банклари биринчи даражали капиталининг

етарлилик даражасини пасайиши тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топади ва банк оғир молиявий аҳволга тушиб қолганида, банкни ушбу оғир ҳолатдан олиб чиқиш имконини берадиган асосий манба ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг иккинчи даражали капитал базаси жуда заифдир. Чунки, тижорат банклари регулятив капиталининг ҳажмида иккинчи даражали капиталнинг салмоғи жуда кичик (4-5%). Масалан, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Саноатқурилишбанк регулятив капитали ҳажмида иккинчи даражали капиталнинг салмоғи атиги 4,4 фоизни ташкил этди⁵.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда қўшилган капиталнинг Асакабанк регулятив капитали ҳажмидаги салмоғини ниҳоятда паст даражада қолганлиги Асакабанкнинг акцияларни инвестицион жозибдорлигини таъминлаш йўли билан

маблағлар жалб қилиш амалиётини такомиллашмаганлиги билан изоҳланади ва банкнинг капитал базасининг заифлигини кўрсатади.

Тижорат банклари активларининг ва регулятив капиталининг рентабеллигини паст даражада бўлиши банк акцияларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш имконини бермайди. Чунки, мазкур кўрсаткичлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, кредитлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркибида энг юқори салмоқни эгаллаши билан бирга, риск даражаси юқори бўлган активлар тоифасига киради. Шу сабабли, кредитларнинг банкларнинг активлари ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши билан регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ўртасидаги мутаносиблик тижорат банкларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
2. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org/publications>.
3. Heckman J. Sample Selection Bias as a Specification Error//Econometrica. – 1979. – Vol. 47(1). – P. 153 – 161.
4. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
5. Оношко О. Ю., Ахмедова Н.Х. Управление собственным капиталом коммерческого банка: внутренние и внешние источники прироста капитала, достаточность капитала//Известия ИГЭА. – Иркутск, 2010. – №3. – С. 9-14.

⁵ Муаллиф томонидан Саноатқурилишбанкнинг 2021 йил якуни бўйича эълон қилинган баланс ҳисоботининг маълумотлари асосида ҳисобланди.



6. Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
7. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – С. 97.
8. Тижорат банклари жамланма баланси//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
9. Bennett R.L., Una H. The Effects of Resolution Methods and Industry Stress on the Loss on Assets from Bank Failures//Journal of Financial Stability, 2014. – Vol. 15. – P. 18 – 31.
10. Шарп У., Гордон А., Бэйли Дж. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2016. – С. 363 - 364.
11. Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело, 2016. – №9. – С. 25.
12. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун дисс. – Тошкент, 2008. – 32 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда; 2017 й., 27-сон, 632-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2017 й., 10/17/2693-2/0167-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.04.2018 й., 10/18/2693-3/1099-сон, 28.12.2018 й., 10/18/2693-4/2387-сон, 07.03.2019 й., 10/19/2693-5/2722-сон.
14. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2019 й., 03/19/580/3994-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.